



Жанубий

Қозоғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2020 йил 29 сентябрь, сешанба. №87 (2862).

**БЛОГЕР!
ЮРСАНГ САЁҚ,
ЕЙСАН ТАЁҚ**

3

**КОМПЬЮТЕР
МАСАЛАСИ ҲАЛ
ҚИЛИНДИ**

4

**ОНА БЕГОНА
БЎЛДИМИ?**

7

ҚР ТҮНҒИЧ ПРЕЗИДЕНТИ Н. НАЗАРБАЕВ ТУРКИСТОНДАГИ ХАЛҚАРО АЭРОПОРТНИНГ ТАҚДИМОТ МАРОСИМИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Туркистон шаҳридаги аэропорт замонавий технологиялар асосида халқаро андазаларга мос равишда барпо этилган.

Эслатиб ўтамиз, Туркистон аэропорти Қозоғистондаги мустақиллик йилларида қурилган дастлабки қўналға бўлди. Ҳаво порти 2020 йилнинг охирига қадар ишга туширилиши режалаштирилган эди. Халқаро аэропортнинг умумий майдони 900 гектарни ташкил қилади. Терминал йилига 3 миллионга яқин йўловчини қабул қила олади. Янги аэропортга умумий узунлиги 16,3 чақирим бўлган янги йўл уланади. Таъкидлаш жоизки, минтақада сайёҳлик салоҳиятини ошириш мақсадида махсус дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра 2025 йилгача сайёҳлар сонини 5 миллионга етказиш режалаштирилган. Шу мақсадда ҳар икки кунда бир марта халқаро аэропортдан Туркистондан Мақкага тўғридан-тўғри рейсларни йўлга қўйиш режалаштирилган.

Шунингдек, Элбоши «Туркистон-Арена» ўйингоҳида бўлиб, кейин «Конгресс Холл» кўптармоқли концерт залига ташриф буюрди. Нурсултан Назарбаев концерт, театрлаштирилган саҳна кўринишлари ва бошқа тадбирларни ўтказишга мўлжалланган маданий иншоот билан танишди.

ҚозАхборот.

ЭЛБОШИ ТУРКИСТОНДА



ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

■ АРМАНИСТОН-ОЗАРБАЙЖОН МОЖАРОСИНING КУЧАЙИШИ ЮЗАСИДАН ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ БАЁНОТ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

«Қозоғистон Республикаси 2020 йил 27 сентябрда Тоғли Қорабоғда Арманистон-Озарбайжон можаросининг авж олганидан чуқур хавотирда. Биз дўст Озарбайжон Республикаси ва Арманистон Республикасини вазиятни барқарорлаштириш учун барча чораларни кўришга, куч ишлатишдан тийилишга ва муаммони музокаралар йўли билан ҳал этишга чақирамиз. Биз ушбу можарони халқаро ташкилотлар орқали тинч йўл билан ҳал қилишда ёрдам беришга тайёрмиз. Осиёда ҳамкорлик ва ишонч мажлиси ташкилотининг амалдаги раиси сифатида Қозоғистон Кенгашининг ишонч чоралари пакетидан фойдаланишни таклиф қилади», дейилади хабарда.

■ УКРАИНАДА ҲАРБИЙ САМОЛЁТ АВАРИЯСИ ҚУРБОНЛАРИ СОНИ 25 НАФАРГА ЕТДИ

Украина қуролли кучлари ҳаво кучларига тегишли АН-26 самолёти қулаши оқибатида 25 киши ҳалок бўлди.

Эслатиб ўтамиз, Чугуев шаҳри яқинидаги ҳарбий аэродромдан икки чақирим узоқликда Украина ҳаво кучларига тегишли АН-26 кулаб тушди ва ёниб кетди. Самолёт бортида 7 нафар экипаж аъзоси ва И. Кожедуб номидаги ҳаво кучлари университетининг 20 нафар курсанти, жами 27 киши бўлган.

■ ДУНЁДА КОРОНАВИРУС ҚУРБОНЛАРИ СОНИ МИЛЛИОНГА ЯҚИНЛАШДИ

Жаҳонда коронавирусдан вафот этганлар сони миллионга яқинлашди. Джон Хопкинс университети маълумотларига кўра, дунёда бир кун ичида 1917 киши коронавирусдан ва-

фот этган ва қурбонларнинг умумий сони 996 096 кишини ташкил этган. Вирус тарқалиши бўйича Америка Қўшма Штатлари дунёда биринчи ўринда туради (7 110 781 киши юқтирган), иккинчи ўринда Ҳиндистон (5 992 532 киши юқтирган) ва учинчи ўринда Бразилия (4 717 991) туради.

■ ЎЗБЕКИСТОНДА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ХОРИЖГА ОЛТИН-КУМУШ ОЛИБ ЧИҚИШИГА РУХСАТ БЕРИЛДИ

«Қимматбаҳо металллар муомаласини тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ЎзР Президенти Ш. Мирзиёев фармони қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ, жисмоний шахслар тегишли сертификатлар мавжуд бўлганда қимматбаҳо металллардан тайёрланган ўлчовли ёмбилар ва Марказий банкнинг қимматбаҳо металллардан тайёрланган тангаларини республика ҳудудидан ташқарига божхона декларациясини тўлдирган ҳолда чекловларсиз олиб чиқиши мумкин.

■ ТАРАЗДА КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ КУРАШУВЧИЛАРГА ЁДГОРЛИК ОЧИЛАДИ

Жамбил вилояти ҳокими матбуот хизмати-нинг хабар беришича, ҳар йили вилоят марказининг диққатга сазовор жойлари рўйхати тўлдирилиб келинмоқда ва ёрқин мисолларидан бири бу «Тектурмас» этник-тарихий мажмуасидир, у ерга Жамбил вилоятининг барча туманларидан боришади ва меҳмонларни олиб келишади. Унинг сўзларига кўра «Biz birgemiz» ёдгорлиги шаҳарнинг асосий диққатга сазовор жойларидан бирига айланади.

Қозоғистон ахборот агентликлари маълумотлари асосида.

БАҲОНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ – БОШ МАҚСАД

ТУРКИСТОН ШАҲРИДА КАРАНТИН ТАРТИБИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНДАН БУЁН ИЛК БОР ОЗИҚ-ОВҚАТ ЯРМАРКАСИ ЎТДИ

Мамаклтимизда пандемия муносабати билан карантин жорий қилингандан буён Туркистон шаҳрида бу дастлабки озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркаси. Унда Арис шаҳри ва Келес туманининг маҳсулот етиштирувчилари ҳамда «Туркистон» ижтимоий тадбиркорлик корпорациясининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари арзон баҳода сотилди.



Таъкидлаб айтганда, картошка 80 тенге, пиёз 45 тенге, қарам 60 ва мол гўшти 1800 тенгедан сотилди. Умуман олганда, ярмаркада 23 турдаги 29,4 тонна маҳсулот сотилди.

«Олтин булок» автобекатида кечгача давом этиши мўлжалланган ярмарка товарлари тушиккача ўз харидорларини топди. Барча санитария меъёрларига мувофиқ уш-

тирилаётган ярмарка ҳафтанинг ҳар шанба ва якшанба кунлари ўтказилади. Вилоят тадбиркорлар, савдо ҳамда қишлоқ хўжалиги бошқармалари уюштирган ярмарканинг асосий мақсади – озиқ-овқат баҳосини барқарорлаштиришдан иборат.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ЭЛБОШИ Н. НАЗАРБАЕВ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ Ш. МИРЗИЁЕВ БИЛАН УЧРАШДИ



Учрашувда Тўнғич Президент ва Ўзбекистон раҳбари икки давлат муносабатларининг бугунги аҳволи ва тараққиёт истиқболлари, миллатлараро тотувликни ривожлантириш ҳақида мулоҳаза юритдилар.

Шунингдек, томонлар Туркий кенгаш доирасидаги интеграция масалаларини муҳокама қилдилар.

elbasy.kz

ЭЛБОШИ – ФАХРИМИЗ

Элбошимиз Нурсултан Назарбаев пойдеворини тиклаган Мустақиллик ўз иқтисодимизни ўзимиз яратишимиз, бошқаришимиз имкониятини берди. Сиёсий мустақилликка таянган ҳолда биз иқтисодий ривожланган, халқи озод, фаровон яшовчи демократик жамиятни яратдик.

Ривожланган иқтисодиёт – мамлакат мустақиллигининг бош мезони. Элбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган давлат дастурлари натижасида ўз иқтисодий тизимимизга асос солдик. Натижада молиявий тизимимиз мустақил йўлга ўтди.

Иқтисодий мустақилликни, миллий манфаатларни ҳимоя қилувчи бир қатор фармонлар, қарор ва қонунлар қабул этилдики, улар орасида мулк, ер, хусусийлаштириш, банк тизими, тадбиркорлик, фермерлик, хорижий сармоялар тўғрисидаги қонунлар алоҳида ўрин тутди.

Қозоғистон МДХ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб ўз

валютасини жорий қилди. Нонга тун бўйи навбатга турган халқ бир йил ўтар-ўтмас озиқ-овқат тўкинчилигини ҳис қила бошлади. Қисқа вақт ичида давлатимизни жаҳон ҳамжамияти тан олди. Қатор давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Элбоши ташаббуси билан Қозоғистон халқи Ассамблеяси тузилди.

Президентнинг «иқтисодий пойдевори бўлмаган истиқлол бамисоли томири заиф дарахтдирки, у довул-бўронларга бардош бера олмайди. Мустақиллигимизни эндиликда иқтисод билан таъминлаш керак. Шундагина Қозоғистон ўз миллий бойлигининг мулкдорига айланади», деган эди.

Президентликдан кетса ҳам, сиёсатдан кетмаслигини маълум қилган Элбошига узоқ умр тилаб қоламиз.

**Ўсмонали ҚОДИРОВ,
Тўлебий туман ўзбек
этномаданият бир-
лашмаси раиси.**

ТАРИХИЙ ШАҲАРНИНГ ЯНГИ ДАВРИ БОШЛАНДИ

Тўнғич Президент Н. Назарбаевнинг 2018 йил 19 июндаги Фармони билан Туркистон шаҳрига вилоят маркази мақоми берилди. Айнан шу кундан бошлаб шаҳарнинг янги даври бошланди. Янги Туркистонни Элбошининг шахсий ғояси, десак, янглишмаймиз. Буюк Ипак йўли бўйидаги қадим Туркистон бутун туркий оламнинг маданий-маънавий маркази сифатида ҳар томонлама бунёдкорлик йўлига тушди.

Элбоши Нурсултан Назарбаев Туркистон вилоятига илк хизмат сафари чоғида шаҳардаги қатор бунёдкорлик иншоотлари билан танишиб чиққан эди. Медиа-марказ нафақат пойтахтда, балки Туркистонда ҳам барпо этилди. Дастлаб, Нурсултан Назарбаев маҳаллий ОАВ фаолияти учун "VI Group" холдинги шаҳарда барпо этган "Алатау" медиа-марказида бўлди. Шу ерда журналистлар билан суҳбатлашиб, янги иншоотни кўздан кечирди. Сўнг Туркистондаги Никоҳ саройи, мусиқа мактаби, аҳолига хизмат кўрсатиш маркази ва вилоят ҳокимликларида бўлди.

Нурсултан Абишули вилоят аҳли билан учрашувда Туркистоннинг равнақида бутун эл ўз улушини қўшаётганини таъкидлаб, биринчи босқичда 175та иншоотнинг қурилиши режаланиб, 102таси жорий йилда фойдаланишга топширилади, деган эди.

Элбоши маданий-оқартув иншоотлари билан танишиб, икки қаватли, икки минг квадрат метрли Никоҳ саройи – Қўстанай вилоятининг туҳфаси, дея фахрланган эди. Бош режа келажакни кўзлаб тайёрланган. Ҳозирда кўчиб келувчилар сони ортмоқда. Сабаби, қайта ривожланаётган Туркистонда имконият катта. Нурсултан Назарбаев янги оилага асос солаётган ёшлар билан учрашиб, эзгу тилаklarини билдирди. Шунингдек, жадал суръатларда қуриб, фойдаланишга топширилган аҳолига хизмат кўрсатиш маркази туркистонликлар учун жуда зарур иншоот бўлди. Республика бўйича ҳужжатлар расмийлаштириш, маълумотнома



олишининг энг илғор технологияси шу ерда мужассамлаштирилган. Уч қаватли бинода аҳолига хизмат кўрсатишининг барча самарали усуллари кўзда тутилган.

Жорий йилда фойдаланишга бериладиган иморатларнинг кўпчилиги ижтимоий иншоотлар. "Ақжайиқ" мусиқа мактаби Фарбий Қозоғистон вилоятининг Туркистонга туҳфаси бўлди.

Туркистон маъмурий-тадбиркорлик маркази: вилоят ҳокимлиги, бошқармалар ва департаментлар бинolari, конгресс-марказ, Ўқувчилар саройи, спорт мажмуаси, медиа-марказ каби бир неча иншоот Туркистондаги қурилишнинг нечоғлик қўламдорлигини англатади. Яна бир муҳим лойиҳа – халқаро аэропорт қурилиши.

Туркистоннинг икки йил аввалги кўриниши билан таққослаб кўринг. Илгари бу ерда сайёҳларни ўзига жалб қилувчи ягона маскан Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси эди, холос. Аспидачи, қадим Туркистон тупроғида 170 мингдан зиёд буюк шахслар дафн этилган. Қозоқнинг 21 хони, 19 бийи, 52 ботири, 9 султони Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасида дафн этилган.

Икки йил ичида Туркистон энг гўзал ва замонавий шаҳарга айланиб улгурди. Сайёҳлар сони ортиб бормоқда, меҳмонхона бизнеси ривожланмоқда. Бундан ташқари, Туркистонни сайёҳлик, таълим маркази сифатида ривожлантириш учун махсус Туризм

ва меҳмондўстлик университети очилди. 2019 йили 9та ижтимоий иншоот топширилса, жорий йил 20та иншоот қурилиши якунланиб, эл фаровонлиги учун берилди. Яъни, маъмурий-тадбиркорлик маркази, медиа-марказ, "Нур-Султан" майдони, Олимпиада захираси, спорт мактаби, автовокзал очилди. Чунончи, "Карвон сарой" сайёҳлик мажмуаси, давлат-хусусий шериклиги доирасида "Sembol construction" турк компаниясининг дунёда тенги йўқ сайёҳлик мажмуасида замонавий меҳмонхоналар, Шарқ бозори, ресторанлар ишга туширилиб, сунъий кўл барпо этилади. Лойиҳаларнинг қурилиши жорий йилда якунига етади. Булардан ташқари шаҳар қиёфасига кўрк берувчи кўплаб янги иншоотлар қад кўтарди.

Туркистон – туркий оламнинг бешиги. Қондош туркий мамлакатлар ҳам бизга кўмаклашишига ишонаман. Туркистон – Қозоғистон учун жуда муҳим шаҳар. Қозоқнинг зич жойлашган ери, аънаналари бузилмаган маскан.

Туркистоннинг тараққиёти йўлида Элбошининг қўшган улушини айтиб тугатиш мумкин эмас. Туркистон – турк дунёсининг тумори. Қадим шаҳарни қайта бунёд этиш, янгилаш, замонавийлаштириш – давр талаби. Шаҳардаги ҳар бир уй, ҳар бир иншоот – Қозоғистоннинг бойлиги.

Мухтабар УСМОНОВА.

ОЛМАЗОРЛАР КЕНГАЙМОҚДА



Сайрам туманида умумий майдони 100 гектарни ташкил қилган 7та интенсив оилавий боғ барпо этилди. Қўшимча 17 гектарга ерга боғ учун зарур инфратузилмавий тизим жорий этилмоқда. Боғ атрофида насос, филтрлаш бекатлари, коммунал бино, йўл, омборлар, ўтказиш бекати, кудуқ ва бошқалар кўзда тутилган. Лойиҳанинг умумий қиймати – 2 097,3 млн. тенге.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра олма боғи йилига 4 500 тоннагача маҳсулот беради. Ушбу оилавий боғларда олманинг Гала, Голден Делишес, Фуджи, Гренни, Смит навлари ўтқазилган.

Интенсив оилавий боғларга зарур ускуна-жиҳозлар "DALA-FRUIT. KZ" МЧБ ҳисобидан харид қилинди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу лойиҳалар Туркистон вилояти сармоя ва экспорт бошқармаси қошидаги "ОҢТҮСТІК" минтақавий сармоявий маркази орқали амалга оширилмоқда.

Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.

ИЖТИМОЙ ЁРДАМ ПУЛИГА УСТАХОНА ОЧДИ

Сариғочлик Бобомурод Холдорев манзилли ижтимоий ёрдамдан фойдаланиб, ёғоч устахонаси очди. У йилнинг бошида мазкур дастур бўйича ёрдам олиш тўғрисида маҳаллий ҳокимликнинг тегишли бўлимига ариза қолдирган.

Орадан кўп ўтмай, яъни февраль ойида унга 203460 тенге миқдорда манзилли ижтимоий ёрдам тайинланган. Бобомурод бу пулга ёғочни қайта ишлайдиган ускуна сотиб олиб, маиший буюмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Устанинг айтишича, стул, арғимчоқ, сандиққа талаб кучли.

Устахона эгаси келажакда ҳунармандчиликдан хабари бор усталарни ишга қабул қилиб, фаолият доирасини кенгайтиришни мақсад қилган.

Таъкидлаш жоизки, Сариғоч туманида жорий йилнинг 8 ойида 3612 оилага давлат манзилли ижтимоий ёрдами тайинланган.

Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.

КОРОНАВИРУСГА ЧАЛИНГАН ОХИРГИ БЕМОР ШИФОХОНАДАН ЧИҚДИ

Вилоятимизда COVID-19 билан хасталанган сўнги бемор Сайрам туман "Қорабулоқ" шифохонасидан даволаниб чиқди. 58 ёшдаги маҳаллий фуқаро – Севара Омонтёева шифохонага "Тез ёрдам" машинасида оғир аҳволда келтирилган.

Беморнинг ҳаётини сақлаб қолиб, фидокорона хизмат қилган шифокорларга миннатдорчилик билдириш лозим.

Сайрам туман "Қорабулоқ" касалхонасининг бош шифокори Элмира Қўжахметованинг айтишича, инфекциявий стационарда 30та ўриннинг барчаси бўш.

– Шифохонамизда коронавирус билан хасталанган бемор қолмаганидан хурсандимиз. Ҳеч ким бу дардга дучор бўлмаслигини тилаймиз. Касаллик бош кўтарга-

нидан буён шифохонамизда 29 нафар бемор даволанди, – деди бош шифокор.

Коронавирус касаллиги Туркистон вилоятида илк бор 31 март куни Жетисай тумани фуқаросида аниқланган эди. Шундан буён вилоятимизда COVID-19 инфекцияси аниқланган 3373 ҳолат рўйхатга олинди. Вилоят бўйича бугунги кунда даволаш учун стационарларда 600та ўрин ташкил қилинган. Шунингдек, коронавирус ва пневмония касалликларига қарши кураш мақсадида биринчи ёрдам тиббий-санитария ёрдами кўрсатадиган тиббий муассасаларда 380та тезкор гуруҳ тузилган. Улар 35 мингга яқин фуқарога уйда хизмат кўрсатди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Арис шаҳри фуқароси Нурбек Тўлбаси “Меҳнат” давлат дастури доирасида устахона очди. У заргарлик буюмлар устахонаси очиш лойиҳасини таклиф этиб, дастур доирасида 555600 тенге маблағ олди.

ЗАРГАРЛИК УСТАХОНАСИ ОЧИЛДИ



Ҳозирча тадбиркор укаси билан ишламоқда. Келгусида зебзийнат буюмлари ясайдиган хунармандларни ишга тортиб, ишлаб чиқариш доирасини кенгайтиришни режалаштирган. Устахона соҳибининг айтишича, ҳозирнинг ўзида маҳсулотга талаб ортиб бормоқда. Буюртмаларни ижтимоий тармоқлар орқали қабул қилиб, ишини давом

этирмоқда. Умуман, натижали бандлик ҳамда оммавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Меҳнат” дастури аҳоли турмушини яхшилашда ўз самарасини кўрсатмоқда. Айниқса, мазкур дастурнинг иккинчи йўналиши доирасида янги бизнес гоёларини амалга оширишга мўлжал-

ланган давлат грантини олишга умидвор фуқароларнинг сафи кун сайин ортмоқда.

Жорий йил Арис шаҳрида мазкур дастурдан самарали фойдаланиб, ўз касбини ривожлантириш учун 139та грант ажратилса, унинг 80таси ўзлаштирилди.

Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.

ТАНИҚЛИ ЖУРНАЛИСТ ЗЕЙИН АЛИПБЕК – ЯНГИ ТАШКИЛОТ РАҲБАРИ

ҚОЗОҒИСТОНДА ОАВ ВА ТЕЛЕРАДИО ХОДИМЛАРИНИНГ «BAQ KASIPODAQ» СОҲАВИЙ КАСАБА УЮШМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Бу ҳақда Астанада онлайн-видеоконференцияда маълум қилинди.

Соҳавий касаба уюшмасини тузишдан мақсад – ОАВ соҳасини ривожлантириш, мухбирларнинг жамиятдаги роли ва нуфузини ошириш.

Ташкилотга журналистика соҳасида 30 йиллик тажрибага эга таниқли телебошловчи Зейин Алипбек раҳбарлик қилади.

– Маълумки, журналистлар меҳнати кўп ҳолларда назарга илинмай, сояда қолади. Баъзан ҳамкасбларимиз хизмат вазифасини бажараётган пайтда турли қийинчилик ва тўсиқларга дуч келаётганига гувоҳимиз. Шунинг учун ҳамкасбларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва ижтимоий аҳволини яхшилашга эътибор қаратишимиз керак. Мана шу масалалар билан шуғулланадиган соҳавий касаба уюшмаси тузиш зарурияти туғилди.

– Барчага аёнки, бугун ҳар қандай ОАВнинг ахборот маконида ўз ўрнига эга бўлиши, ривож топиши унинг олдидаги энг асосий вазифа ҳисобланади. Бундай шароитда фақат иқтисодий жиҳатдан мустақил ва мустақам бўлган оммавий ахборот воситасига ўз мавқеини сақлаб қолиши мумкин. Давр ўтиши билан ОАВнинг ҳам шакли, ҳам мазмуни янги-

ланиб борар экан, уларни иқтисодий-ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш механизми ҳам ўзгариши табиий. Шундай экан, Президентимиз таъкидлаганидек, оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулкни ишончли муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари дастакларини кучайтириш масалалари ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак. Хабарингиз бор, яқинда ҳамкасбимиз, таниқли журналист Бейсен Қуралбекнинг отаси вафот этди. Унинг оиласи уйга муҳтож. Журналистлар ҳуқуқлариини ҳимоя қилиб, бошпана масаласини ҳал қилишга киришамиз. Шунингдек, ОАВ салоҳиятини кучайтириш, журналистлар маҳоратини ошириш юзасидан истиқболли лойиҳаларимиз ҳам бор. Уларни фақат касаба уюшмаси амалга оширади, дейиш нотўғри. Уларни сиз билан бирга, ҳамкорликда амалга оширамиз, ҳурматли ҳамкасблар.

Таъкидлаш жоиз, жорий йилда Қозоғистонда 3669та ОАВ рўйхатга олинган. 2964таси даврий нашр, 161та телеканал, 73та радио, 471та ахборот агентлиги ва тармоқ нашри.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

ШИКОРБЕГИЛАР КУЧ СИНАШДИ

Тўлебий туманида ёшлар орасида шикорбегилар беллашуви ўтди. Унда вилоятимизнинг 5 туманидан келган ёшлар иштирок этишди.

Бургутчилар ва етти хазинанинг тилини тушунганлар този итлар билан саҳна кўринишини намойиш этишди.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан туман ҳокими муовини С. Дуйсебаев ота-болаларимизнинг атроф-муҳит билан уйғунликда ҳаёт кечириб, ўзларини табиатнинг ажралмас қисми деб ҳисоблашгани ва бу асосий ҳаётий қоида Буюк Даштнинг макон қилган халқларнинг дунёқараши ва қадриятларини шакллантирганини таъкидлади.

– Ов услуги – ажодларимизнинг алоҳида юксак иш тажрибаси бўлганини кўрсатади.



Умуман, “ов услуги” феномени дунё санъатидаги буюк доволардан бири саналади, – деди у ва беллашув иштирокчиларига муваффақият тилади.

Қизиқарли беллашувда Б. Ўрманов (Тўлебий тумани), А. Даулетов (Чордара тумани) ва

П. Нурбеков (Ўрдабаси тумани) лар совринли ўринларни эгаллашди.

Байрам ажойиб концерт дастурига уланиб кетди.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

БЛОГЕР! ЮРСАНГ САЁҚ, ЕЙСАН ТАЁҚ



Бугунги кунда «блог» тушунчаси инглизча «веб-кундалик» бирикмасидан келиб чиққани кўпчиликка маълум бўлса керак. Блог – бу онлайн-кундалик. Блогер уни юритадиган одам.

Блогер – бу янги чиққан касблардан бири ҳисобланади. Унинг вазифаси нима? Унинг асосий вазифаси жамиятдаги ижтимоий янгиликлар ёки муаммоларни ижтимоий тармоқларга ёки веб-сайтларга олиб чиқишдан иборат. Журналистика касби билан деярли бир хил. Фарқи шундаки, журналист айнан шундай ахборотларни газета, телевидение ёки радиога олиб чиқиб, белгиланган маош учун хизмат қилади. Худди шу вазифани мустақил равишда ўзи учун, машҳур бўлиш учун ёки катта даромад топиш учун хизмат кўрсатадиганлар – блогерлар. Улар орасида жамиятдаги мураккаб масалаларнинг

ижобий ечимини юқоридан талаб этиб, ижросига эришадиган саводли ва халқпарварлари ҳам йўқ эмас. Ҳатто давлатларда 10 миллиондан зиёд обуначисига эга блогерлар ҳақида ўқиб, ҳайрон қолдим. Уларнинг машҳур бўлиши ва обуначилари сони шунчалар кўпчилигининг сабаблари билан қизиқдим. Машҳур блогерларнинг кўпчилиги актёр, модель, йога бўйича инструктор, саёҳатчи, тадбиркор, фотограф, иллюстратор ва ҳоказо, бироқ журналистлари жуда кам. Яқинда дунёнинг энг сара 100 нафар блогерлари Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларида бўлиб, Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини очиб берувчи ажойиб фото, видео ва ёзма мақолалар тайёрлашибди. Уларнинг «Instagram», «Facebook», «Youtube» видеохостингидagi обуначиларининг умумий сони 109 миллионга яқини ташкил қиларкан. Офа-

рин! Ҳавасим келди.

Энди бугунги кун билан нафас олаётган даврга назар солайлик. Ҳозирги кунда одамлар интернетдан пул топадиган ёки ютубда видеоларни чиқарадиганларни блогерлар дейишади. Аммо ривожланиб бораётган замонда кўлида смартфон бор, озми-кўпми сиёсатдан хабари бор, ёзишга ўқуви бор, сўзга ҳам чечан ёшлар орасида блогерман, деб кўкрак керадиганлари жудаям кўпайиб кетмадими ёки улар бармоқ билан санарлими? Майли, уларнинг сони муҳим эмас... Улар ҳокимлик, умуман турли даражадаги мансабдорларнинг заиф томонларини топишга, эълон қилишга хумор. Буни ўзлари учун фахр, деб биладилар. Ҳатто, юқори органлар ҳам касбий байрамларда, энг аввало, блогерларни тўрага ўтқазиб, қимматбаҳо совға-саломлар берадиган бўлишди. Маошли журналистлар эътибордан қолди. Баъзилар ўзларининг «ставка»ларини белгилаб олишган. Эшикни тақиллатиб бордим, бўлди, «гонорарини» олиб, ортга қайтадиганлари ҳам бор.

Журналистлар учун матбуот-сафари уюштирилиб, давлат дастурлари доирасида туман, қишлоқларда амалга оширилаётган ишлар билан танишиш учун узокроқ туманга бордик. Бизни бошлаб борган матбуот котиби тушлиқдан сўнг биз билан хайрлашиб, кетишга мажбур бўлди. Чунки, раҳбар шахс 2-3 нафар блогерни отда сайр қилдириб, сув бўйидаги шинам бир гўшада тансиқ таомлар билан

меҳмон қилишни топширган. Иш бор жойда камчилик бўлади. Демак, тумандаги муаммоларни кўрсатмасликка тиришган лавозимдор шахслар, тадбиркорлар, орган ходимлари блогерлар билан тил топишга ҳаракат қилса, халқнинг муаммолари бартараф бўладими? Демак, блогерлар улар учун авлиёми ёки биргаликда уюшган жиноятчиликка қўл ураётган жиноятчиларми?

«Бирнинг касри мингга» деганларидек, яқинда қўлга тушган «сохта» блогерларнинг шарофати ҳақиқий халқпарварларининг шаънига доғ туширди, десам, муболага эмас.

Вилоят полиция департаменти раҳбари ўринбосари, полиция полковниги Қурманбек Саховнинг айтишича, 4 одамдан иборат жиноий гуруҳ Жетисай ҳамда Мақтаарал туманларидаги хусусий тадбиркорлар ва шахсий фуқароларни «блогермиз», деб, кўрқитиб келишган. Албатта, шу йўл билан улардан катта миқдорда пул ундириб юришган. Ҳатто, бу ҳаракатларини қонунлаштириб, уюшган жиноятчиликка қарши кураш ташкилотини очган. Махсус гувоҳномалар ясашган. Блогерларнинг асосий қуроли видеотасмалар бўлган. Улар борган жойларида смартфонларга тушириб, уни ижтимоий тармоқларда эълон қиламиз деб кўрқитиб келишган. Ўтган йили Мақтаарал туманидаги қурилиш майдонларининг бирига келган гумондорлар сифатсиз иш учун пудратчи компания раҳбаридан 500 минг тенге

талаб қилган. Шунингдек, шу йилнинг кузида экологик хавфсизликка риоя қилмаган фирма директорини ой сайин 100 минг тенге тўлашга мажбурлаган. Бундай дўқ-пўписалардан безор бўлган жабрланувчи полицияга шикоят қилиб, улардан кўмак сўраган. Умуман, жиноий гуруҳ 6 ойда 2 миллион тенгедан зиёд пулни чўнтакка уришга улгурган. 10 ойлик суриштирув-тергов ишларидан сўнг полициячилар уларнинг 17та ишда иштироки борлигини аниқлаган. Қурманбек Сатинбекулининг маълумотига кўра, Жиноий кодекснинг 3та моддаси бўйича айбдор деб топилган гуруҳ аъзоларига 8 ва 10 йил оралиғида қамоқ жазоси тайинланган.

“Юрсанг саёқ, ейсан таёқ” деб бежиз айтилмаган. Блогерликни ниқоб қилиб, кўрқитиб пул ишлашнинг охири вой бўлди. Ҳалол меҳнат билан ознинг баракасини Аллоҳдан тилаб юрган журналистлар, блогерлар орамизда жуда кўп. Биз, журналистлар ҳам ижтимоий тармоқларда энг яхши мақолаларни бўлишамиз. Аммо, Худо асрасин кимнидир кўрқитиб, пул топишдан йироқмиз. Чунки, инсониятга берилган умр жуда қисқа, биз фақат ўзимиздан яхши ном, ибратли ишларни мерос қилиб қолдиришни мақсад қилганмиз. Ўз касбиндан завқ олиб яшашга нима етсин. Қадримизни йўқотиб, беобрў бўлишдан Аллоҳ асрасин!

Мухтабар УСМОНОВА.

КОМПЬЮТЕР МАСАЛАСИ ҲАЛ ҚИЛИНДИ

Ахборот-коммуникациялар марказида Шимкент шаҳар таълим бошқармасининг раҳбари Жанат Тажиева иштирокида мамлакатимизда жорий этилган карантин муносабати билан шаҳарда масофадан ўқитиш, навбатчи синфларда ўтказилаётган дарслар юзасидан брифинг ўтказилди.

Унда бошқарма раҳбари карантин тартиби пайтида масофадан ўқитиш масаласига тўхталди.

– Шаҳардаги барча мактабларда “BilimLand-Onlinmektepter.org” дастурида масофадан ўқитиш ташкил этилган. Шунингдек, улар ҚР ТФВ томонидан жорий этилган “Күнделік.кз” электрон журналлар ахборот тизимига иш юритишмоқда.

Мактабгача муассасаларда эса ота-оналарнинг хоҳиши бўйича болаларни навбатчи гуруҳларга қабул қилиш ташкил этилди. Бола сони 15дан ошмайди. Жами бугунги кунда 2 711 навбатчи гуруҳда 18 971 бола тарбияланмоқда, – деди Ж. Тажиева.

Жанат Ариббек қизининг маълумотларига кўра, шаҳарда масофадан билим бериш шароитида 222 050 ўқувчининг 80 780 нафариди (36,3 фоиз) компьютер етишмаслиги аниқланган. Унинг 42 907 нафари – ижтимоий ёрдамга муҳтож оила болалари. Шу сабабли таълим даргоҳларидаги компьютерларни уларга вақтинча бериб туриш тақдирини маълумланди. Биринчи навбатда ижтимоий ёрдамга муҳтож 20 150 оиланинг 35 798 нафар боласи компьютер билан таъминланди. Келгусида харид қилинадиган компьютерлар билан 44 982 нафар ўқувчи таъминланади.

Брифингда бошқарма раҳбари



интернет тармоғи ночор аҳоли манзилларининг масаласи ҳал бўлаётганини маълум қилди.

Бундан ташқари, Шимкент шаҳрида навбатчи синфларга шахмат дарси киритилганини айтди. Бу ташаббус ҳақида фикр билдирган Ж. Тажиева шундай деди:

– Асосий мақсад – боланинг заковат даражасини ўстириш, фикрлаш қобилиятини ривожлантиришдир.

Янги ўқув йилида Шимкент шаҳридаги 752 таълим даргоҳида 330 мингга яқин ўқувчи билим олмақда.

С. ШАРИФБОЕВА.

ЁШ МУТАХАССИСЛАР УЧУН ИМКОНИАТ

Шимкент шаҳрида “HR-Process” дастури бўйича ўқитувчиларни ишга қабул қилиш жараёни давом этмоқда. Бугунги кунда тизимдан фойдаланаётганлар сони 3278га етди.

Мазкур лойиҳа доирасида 106та мактаб 499 бўш иш ўрнига танлов эълон қилган. Унга 2134та ариза берилган. Комиссия муҳокамасида бўлган 555 номзоддан ариза тушган. Улардан 250 киши танловдан ўтиб, ишга қабулланди.

Ёдингизда бўлса, “HR-Process” тизими таълим соҳасидаги бўш ўринларга ишга жойлашиш учун ариза бериш ва уни муҳокама қилиш жараёнини автоматлаштиришга мўлжалланган. Шунингдек, ушбу портал орқали номзодлар ва бўш иш ўринларининг маълумотлар жамғармасини ташкил қилиш йўлга қўйилди. Бу ишлардан мақсад – замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда педагоглар захирасини саралаш жараёнининг самарадорлигини ошириш. Яъни, номзодни танлаш вақтида меритократия қоидаларига риоя қилиш ва шаффофликни таъминлаш.

Шимкент шаҳар ҳокимининг
матбуот хизмати.

● Брифинг

Шимкентда “Хавфсиз мактаб муҳити” акцияси ўтди. Буни Шимкент шаҳар таълим бошқармаси раҳбари Жанат Тажиева маълум қилди.

“ХАВФСИЗ МАКТАБ” АКЦИЯСИ ЎТДИ

– Акция доирасида мактаб нозирлари навбатчи синф ўқувчилари билан йўл хавфсизлиги қоидалари тўғрисида суҳбатлашди. Юқори синф ўқувчиларидан “Йўл қоидасини биласанми?” мавзуда онлайн тартибда сўровнома олиниб, тарбия соати уюштирилди, – деди Жанат Ариббек қизи.

Республика миқёсида ўтган тадбирдан мақсад – болалар хавфсизлигини таъминлаш, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, шунингдек, болалар хавфсизлиги масаласига жамият эътиборини қаратиш.

Акция доирасида “Йўл хавфсизлиги қоидасини билайлик, омон бўлайлик!” мавзуда расмлар танлови ҳам уюштирилган. Тадбирда шаҳардаги 147та мактабнинг 119 минг 540 нафар ўқувчиси иштирок этди.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

АЛОҚАЛАР ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Хорижда яшайдиган этник қозоқ ёшлари билан алоқа ўрнатиш мақсадида сўнгги йиллари салмоқли ишлар бажарилмоқда. Шунга мувофиқ, “Ватандошлар жамғармаси”, “Бутундунё қозоқлар ҳамжамияти” ва “Ёш қозоқ” халқаро ёшлар ташкилоти “Муқаддас Қозоғистон” лойиҳаси доирасида учинчи бор Қозоғистоннинг муқаддас қадамжоларига саёҳат уюштирди.

фидаги ёдгорликлар, Сайрам тарихи билан танишдилар ва Дендробогни томоша қилдилар.

Тадбирнинг иккинчи кунинда хорижлик талабалар Туркистон шаҳрига жўнаб кетишди.

Шимкент шаҳар ҳокимининг
матбуот хизмати.



Лойиҳанинг асосий мақсади – қондошларни “Муқаддас Қозоғистон” дастури орқали кўхна жойлар билан таништириб, “Маънавий янгиланиш” дастури асосида таълим, маданий-гуманитар имкониятлари тўғрисида ахборот бериш, хориждаги қозоқларни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган ишлардан воқиф этиш, алоқаларни ривожлантиришга туртки бериш.

Мамлакатимизнинг турли шаҳарларида таълим олаётган 20 нафар хорижлик қозоқ ёшлари Шимкент шаҳри ва Туркистон вилоятига саёҳат қилишди.

Тадбирнинг биринчи кунини Шимкентда “Қондош ёшлар билан келажакка” мавзуда давра суҳбати уюштирилди. Шимкент шаҳри атро-

ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИКЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ КУЧАЙТИРИЛАДИ

“Ўзаро мувофиқлик йўқ”. Зўравонликка қарши курашга сафарбар этилган ваколатли давлат органи вакиллари орасида ўзаро мувофиқликнинг йўқлиги жиноятга олиб келмоқда”. Мажлис спикери Нурлан Ниғматулин шундай деди.

Депутатлар оилавий зўравонликка қарши ҳаракат қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллашди.

Парламент Мажлисида оилавий зўравонликдан тез-тез жабрланадиган аёллар ва болаларнинг тақдирини муҳокама қилинди. Айниқса, карантин вақтида кўпайиб кетган оилавий тажовузкорлик халқ ноибларини ҳам ташвишга сола бошлади. Сабаби, карантин вақтида шу тоифадаги жиноятлар 25 фоизга ортган.

Янги қонунга жами 70та ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Агар мазкур қонун ҳам қоғозда қолиб кетмаса, эндиликда оила тинчлигини бузганлар қатъий жазоланади. Айниқса, болалар кўз олдида одобсизлик, номаъқул хатти-ҳаракат қилганларнинг таноби тортилади. Эндиликда оилавий жанжал чиқарганлар 30 кун жабрланувчи билан учрашиши ва ҳатто алоқага чиқиши таъқиқланиши мумкин. Асосийси, эндиликда ижтимоий тармоқлардаги маълумотлар полициячиларнинг чора кўришига асос бўла олади.

Бундан ташқари, оилада тажовузкорликдан жабр кўриб, инқироз марказларини паналаган аёллар ишдан меҳнат таътилига чиқа олади. Лойиҳа жабрланганларнинг ҳуқуқлари ва хавфсизлигига кафолат беришни кўзлайди.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

ШИФОКОРЛАР ЖАЗОЛАНДИ

Суд шундай хулосага келди: шифокорларнинг қаллобликдаги айби исботланди: улар беморлардан йирик маблағни жамлашди, кейин эса клиникалар тармоғи шунчаки ғойиб бўлди.

Тиббий қаллоблик тўғрисидаги шов-шувли иш кунини кеча Шимкент шаҳрида поёнига етди. Қалбаки клиника раҳбарлари 5 йилдан 10 йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилинишиди.

2017 йилдан 2019 йилгача улар қалбаки тиббий муассасаларни ташкил этишди ва бунинг учун қозоғистонликлардан 125 миллион тенге олишга муваффақ бўлишди. Шифокорлар сифатли даволанишни ҳамюртларимизга тақлиф этишган ва салкам 700 беморни соғайиб кетишларига ишонтаришган. Бу ерда даволаш курси жуда қиммат бўлиб, кўплаган беморлар уларни тўлаш учун насиялар олишига тўғри келган. Қарзга ботиб бўлса ҳам даволанишга қарор қилишди. Бироқ кутилмаганда клиникалар тармоғи ғойиб бўлди – табиийки, мижозларининг пуллари билан.

– Улар менинг чуррамни даволаймиз деб ваъда беришди. Умумий соғлигимнинг тикланишига ишонтиришди. Дарҳол бунга рози бўлдим. Ҳар ҳафта уқалаш муолажасига бордим. Кейин эса бўлди, тамом. Энди эса 1,5 йил мобайнида кредит тўлашим керак, – дейди бемор Пернегул Абденова.

Бошқа бир жабрланувчида ҳам насия муаммоси, ҳар кунини уларга банкдан кўнғироқ қилиб, вақтида тўлашни эслатишди. У туфайли қон босими ҳам кўтарилаётган беморлар бор. Улар ташвишига яна бир – пул муаммоси ташвиши қўшилди. Мазкур клиника кутилмаганда ёпилди, беморлари эса “даволаш”нинг тўлиқ курсини ўташга улгуришмади. Клиниканинг бошқарувчиси ҳамда уч директорига қидирув эълон қилинди – уларни қаллобликда айб-лашди. Бу вазиятда бош иштирокчи Россия фуқароси Алексей Гончаров 10 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Ҳукми у онлайн алоқа орқали тинглади. Унинг уч нафар шериги турли муддатларга – 5 йилдан 6,5 йилгача қамоқ жазоси билан “сийланишди”. Оқловчиларнинг айтишича, бу ҳолатда жиноят таркиби йўқ. Одамлар ўз ихтиёри билан шифокорларга пул беришган ва деярли ярмидан зиёдаги тиббий хизматлар кўрсатилган. Суд жабрланган 668 нафар беморга ноқонуний олинган пуллари қайтаришга мажбур қилган. Қаллобларнинг фарзандларини эса васийлик бўлимларига топширишга қарор қилинди.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

NUR OTAN PARTIYASININ PRAIMERIZINE SAIRAM AUDANINAN KANDIDAT

Калтаева Алия Дауренбекованың

сайлауалды бағдарламасы

Мен, 1987 жылы Тассай ауылында дүниеге келіп, кейіннен Ақбастау ауылына қоныс аудардым. Сол ауылда Шойынбаев атындағы мектепті үздік бітірдім.

Қазір өндіріс-өнеркәсіп саласында 10 жылдан аса жұмыс істеп жүрмін. Шағын және орта бизнестің қыр-сырын, есеп-қисап жүргізуді, жоспарлы түрде қаржы табу мен игеру жолдарын жақсы меңгердім.

Қай уақытта болса да басты құндылық – адамзат, адам өмірі. Қазіргі таңда адамдар мейірімді, көзі ашық. Осы адамзат потенциалын жоғалтып алмауымыз керекпіз. Заманның сұранысы адамның жақсы өмір сүруі болып отыр. Халықты жақсы табысқа жеткізу үшін өнеркәсіп саласын көркейту керек. Зауыт мен фабрикалар көп болса, жұмыс орындары көбейіп, жалақының да жоғарылайтыны белгілі. Халықтың жұмыс таба басталған бизнеске мемлекет тарапынан әрине қолдау қажет! Өйткені, қазынаға түсетін салықтың 80 пайызы осы орта және шағын бизнестен түсуі тиіс. Күні кеше ғана Президентіміз Қасым-Жомарт Тоқаев өзінің кезекті Жолдауында мұнайымыздың бағасын шарықтамайтынын айта келіп, шағын және орта бизнесті барынша қолдап, дамытуды тапсырды. Менің де алға қойған мақсатым осы: Шағын және орта бизнес өкілдеріне берілетін жеңілдіктер мен қолдаудың жаңа жолдарын қарастыру, өмір сүру мүмкіншілігімізді жақсарту.

Осы ойларымды жүйелей отырып, жаңа бағдарлама ұсынамын!

1. Салықтың қай түрі болмасын, жергілікті бюджеттің қоржынына түсуі тиіс. Осы заң міндеттеліп, мемлекеттік сатып алу барысында қолданған жөн. Яғни, басымдылық жергілікті бизнес

өкілдері жағында болуы тиіс, және мемлекет тарапынан қатаң бағалансын. Заңды бұзған мекеме басшысы заң аясында жазасын алсын!

2. Өнеркәсіп саласы үшін несие мерзімін 10 жылға дейін, қаржы айналымына берілген несие уақытын 5 жылға дейін ұзарту қажеттілігі.

3. Жаңадан ашылған шағын және орта бизнес өкілдеріне жеңілдік ретінде жер, мүлік, КПН салықтарынан белгілі мерзімге босату.


4. Өндіріс аймағындағы жер телімдері Қазақстан азаматтары үшін жекеменшікке берілуі қажет. Өйткені жер қадірін иесі біледі. Сол жерде өз бизнесін дамытуға ынталана кіріседі. Яғни, мотивация алады.

5. Елімізде табылмайтын шикізаттарды импорттан тасымалдауда, оларды кеден салығынан босату.

6. Қазіргі таңда үлкен бизнеске беріліп жатқан жеңілдіктерді, шағын және орта бизнеске берілуі керек екенін баса айтқым келеді.

Міне, мен ұсынған осы бағдарламалар жүзеге асса, жұмыс беруші өз жұмысшыларына жақсы жағдайлар жасай алар еді. Шағын және орта бизнесі дамыған елдің экономикасы да артып, қуатты мемлекетке айналады. Жұмысшылардың жалақылары көбейіп, жұмыс орындары да көбейеді.

ЕЛ ИГІЛІГІҮШІН – ӨЗ КҮШ-ЖІГЕРІМДІ АЯМАЙМЫН! БЕРЕКЕЛДІ КҮНГЕ БІРГЕ ЖЕТЕЙКІ!



PRIMARIES 2020

NUR OTAN PARTIYASININ PRAIMERIZINE SAIRAM AUDANINAN KANDIDAT

Айкан Алмагүл Құдайбергенқызы

1968 жылы 13 қазанда Ақмола облысы Целиноград қаласында дүниеге келген.

1992 жылы Целиноград ауыл шаруашылығы институтын «Бухгалтер» мамандығы бойынша тәмамдаған.

1995 - 1999 жылдары Қазақстан Республикасының Ұлттық Қауіпсіздік комитеті Шекара қызметі мүшесінің қызметкері. 2000-2012 жылдары «Эм-Нұр» ЖШС директоры.

2013 жылдан бастап бүгінге дейін «АУКАН» ЖШС-нің директоры.



МЕН PRIMARIES БАРАМЫН 2020

БІЗДІҢ ОРТАҚ МАҚСАТ – ӘРБІР ТҮРҒЫННЫҢ ӨМІР СҮРУ ДЕҢГЕЙІН АРТТЫРУ. Мен Сіздердің сенімдеріңізді бағалаймын және Сізбен бірге жақсы нәтижелерге қол жеткізетінімізге сенімдімін! Сіздің пікіріңіз мен үшін өте маңызды! Біз біргеміз!

МИРИШКОР ЭЛ ФАРЗАНДИ

Мана бир неча йилдирки, сўлим Озодлик қишлоғида барпо этилган файзли боғнинг мевалари тулки-бошликлар дастурхонини безаб келмоқда. Сархил меваларни ҳамюртимиз Бахтиёр Мирқодиров этиштиряпти. Меҳнатининг натижаси – дастурхон нақши.

Асли касби муҳандис-механик, бир неча йил мобайнида давлат хизматчиси бўлиб ишлаган Б. Мирқодиров ўзини севган соҳада синаб кўрди. Ахир, ота-боболаримиздан келатган пурмаъно ҳикмат бор – ерга меҳр берсанг, у сени юзага чиқаради, барака манбаига айланади. Ана ўша ҳикматга амал қилган эл фарзанди адашмади.

Бахтиёр Мирилёс ўғли 25 йил мобайнида ёшлар ишлари ва туризм, ички сиёсат, спорт ва туризм, тадбиркорлик бўлимларида 2018 йилга қадар фаолият юритди. Туман ижтимоий таъминот бўлимини 8 йил бошқарди. Мана энди боғ-роғлар яратиб, тажрибали соҳибкорга айналди.

Вилоятимиз ривожига ҳисса қўшган суҳбатдошим иш бошлашдан аввал отаси Мирилёс Мирқодировнинг дуосини олди. Туркистон шаҳрига ҳокимлик қилган, кейин эса ҳоким ўринбосари бўлган М. Мирқодиров деҳқончиликни нафақага чиққандан кейин 2010 йилда бошлагани суҳбатдошимга қўл келди.

– Нафақага чиққан отам деҳқончиликни 200 гектар ердан бошлади. Отамга ёрдамчи бўлиб, 1,5 гектар майдонда боғ барпо этдик. Бу йил ҳосилимиз яхши бўлди. 3,5 минг туп ярим пакана 5 навли олмаларимиздан 10 тоннадан зиёд ҳосил олдик. Томчилатиб сугориш усулида этиштирилаётган олмаларимиз учун



мижозларимиз етарли. Жорий йилда олма сақлаш учун омбор барпо этдик, келаси йили ишга туширсак, меваларимизни бемалол сақлай оламиз. Бундан ташқари ем-хашак майдалаш цехини ҳам ишга туширдик. Аҳолига шу тариха хизмат кўрсатяпмиз. “Мирдавлат” деҳқон хўжалигини ташкил қилганмиз. 60 гектарга бугдой, 120 гектарга беда, қолганига махсари экдик.

Интенсив боғдорчиликни ривожлантириш йўналишида ишлаётган тадбиркор сертификатланган, иқлимга мослашган кўчатларни махсус ниҳолдан харид қилиб, ўтқазган экан. Мана ҳозир уларнинг мевалари харидоргир бўлди.

Чорак асрлик давлат хизматидаги фаолиятдан сўнг боғдорчиликни танлаган Б. Мирқодиров Тулкибош туманида Nur Otan партияси праймеризиде иштирок этиб, баҳсларга отланаётгани учун суҳбатимиз шу ерда поёнига етди.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

НАСИҲАТЛАР



ЎТТИЗ ТҮРТИНЧИ НАСИҲАТ

Ўлимнинг ҳақ эканлигини, унинг қарилликини кутиб юрмай, истаган маҳалда келишини, ўлган одам қайта дунёга келмаслигини ҳамма билади. Қозоқлар, шубҳасиз, бунга ишонишади, бироқ ўз ақли билан мулоҳаза қилиб кўриб эмас, балки аксинча, шунчаки, ишониш керак бўлганлиги учунгина ишонишади. Яна: Аллоҳ таолонинг борлигига, унинг охиратда сўроқ қилишига, ёмонларни ёзғириб, яхшиларни ёрлақашига ва бу мўъжизалар бандасининг қўлидан келмаслигига ҳамда Яратганнинг меҳри тушса, истаганча раҳм-шафқат қила олишига ва агар ғазоби кўзғаса, беҳисоб қийноқларга сола олишига – ҳамма-ҳаммасига ишонамиз, дейишади. Йўқ, мен уларнинг ишондик деганларига сира ҳам ишонмайман. Агар ишонсалар ҳам, барибир, бу нарсаларнинг ҳақиқатлигига кўзлари етиб эмас, ҳали биз юқорида айтганимиздек, ишониш керак бўлганлиги учунгина ишонишади. Агар ишонганликларни рост бўлса, унда нима учун ваҳимага тушиб, ташвиш чекишади? Нега мудом яхшилик қилиб, гуноҳга ботмай, ўзларини ўзлари эҳтиёт қилишмайди? Агар улар Худонинг борлигига ва унинг меҳр-шафқати билан бирга ғазоби ҳам мавжудлигига ишонадиган бўлса, унда биз уларни яна нимага ишонтаришимиз керак? Ёки қандай қилиб уларни тузата оламиз? Қайси йўл билан уларни мўмин-мусулмон, имони саломат деймиз? Агар кимда-ким икки дунёда хор бўлмай деса, мана бу гапларни беш бармоғидай билиб олиши керак: ҳеч қачон бир одамнинг кўнглига айна вақтда икки қувонч, икки севги-иштиёқ, шунингдек, икки кўрқинч, икки қайғу, ҳасрат бир йўла сигмайди. Бир маҳалда икки нарсанинг кўнглига сиғиши қийин ҳам, тўғривоғи – мутлақо мумкин эмас. Борди-ю, бирор одамнинг кўнглидаги дунёга бўлган қайғуси билан қувончи, охиратга бўлган қайғуси билан қувончидан ортиқ бўлса, у ҳолда, бу одам мусулмон эмас. Мана энди ўзингиз ўйлаб

кўринг, бизнинг қозоқлар қандай мусулмон қавмига кирар экан! Масалан, дейлик, мабодо бир одамнинг олдидан иккита нарса чиқиб қолса-ю, улардан бири охират учун, иккинчиси шу бугунимиз, яъни бу дунё учун керак бўлса, бунинг устига, бирини олган киши иккинчисини олишга ҳақли бўлмаса, кўриниб турибдики, бундай ҳолда бизнинг қозоқлар охиратга кераклисини эмас, балки, албатта, иккинчисини олган бўлур эди. Чунки улар: охиратга кераклисини яна бир кези келганда оларман, бу гал мени раҳм-шафқатли Худонинг ўзи кечирсин, деб ўйлайди. Хўш, энди, бир кун келиб, у бу дунёдан ўтса, унинг: ўз охиратимни мол-дунёга сотганим йўқ, деганига ким ишонади? Жамики инсон фарзанди бир-бирига дўстдир. Чунки дунёда ҳаёт экансан, қавм-қариндошлигинг, ўсиб-унишинг, тўқ ва фаровонлигинг, очьяланғочлигинг, қайғу-ҳасратинг, истиқомат қилишинг, борди-келдинг, дунёга келишинг, тана бичиминг, ўлишинг, қора ерга киришинг, чиришинг, маҳшар куни сўроқ беришинг – ҳамма-ҳаммаси бирдай: икки дунёда ҳам бирдай ўйнаб-қуласан, бирдай қайғу-ҳасрат чекасан, роҳати, азоби, уқубати, хавф-хатарини бирга тортасан. Бас, шундай экан, беш кунлик умринг борми-йўқми, бир-бирингга ғаниматсан, қўноқсан ва бу дунёга омонат меҳмонсан! Нега энди шундоқ бўла туриб бир-биринг билан арзимаган нарсалар учун гижиллашасан? Бировнинг боғ-роғига, мол-дунёсига кўз олайтирасан? Насибангни Худодан тиламай, банданинг улушидан олиб бер деганинг, ўзинг меҳнат қилмай, бировнинг насибасидан умид кутиб ўтирганинг лойиқми, ўзингга? Худо биров учун бировга жабр қилади-ми? Икки оғиз сўзини эплаштириб гапира олмайдиган сондон, ақлсиз, илмсиз бўла туриб, ҳар он: «Худо урсин агар, меники тўғри!» деб талашаверишдан нима фойда? Шу ҳам одамгарчиликми, энди!

Носир ФОЗИЛОВ таржимаси.

УЧРАШУВЛАР САМАРАЛИ БЎЛСИН

Биз давлат назоратига муқобил сифатида жамоат назорати институти татбиқ этиб, тегишли ҳуқуқий асос шакллантиришимиз керак. Давлат идоралари, квазидавлат шўбанинг жамият олдидаги шаффофлиги ва очиқлигини таъминлашга йўл очадиган “Жамоат назорати тўғрисида” Қонунини тайёрлаб, қабул қилишни топшираман.

Жамоат кенгашларининг ролини ошириш зарур. Уларни сотиб олишни уюштирадиган комиссияларнинг ишига жалб этиш керак. Шунингдек, квазидавлат шўбада жамоат кенгашлари тузишни кўриб чиқиш керак. Парламент муҳомаида тегишли қонун лойиҳасини йил охиригача қабул қилиш лозим.

Қасим-Жўмарт Тўқабев.
“Янги вазиятдаги Қозоғистон: ҳаракатлар даври”

Тўнғич Президентимиз Н. Назарбаевнинг ташаббуси билан шаҳар, қишлоқ, туман, вилоят ҳокимлари халқ олдида ҳисобот бера бошлаганига ҳам анча йиллар бўлди. Бу савобли иш, айниқса, қишлоқ аҳли учун самарали бўлиб келмоқда. Ҳокимнинг ҳисоботини тинглаш билан бир қаторда қишлоқ аҳли ечимини топмай турган долзарб масалаларни ўртага қўя олади.

бизнеснинг новвойлик, сартарошлик, косиблик турлари бўйича ҳамда миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринлари яратишга куч солса, албатта.

Ёшлар бирлашмалари ташаббуси билан қишлоқларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, диний ақидапарастлик, экстремизм ҳамда турли нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, шунингдек, халқимиз



Қишлоқнинг асосий муаммоларини атаб айтадиган бўлсак, ариқ ва ичимлик сувининг ёз фаслида етишмаслиги, янги иш ўринлари очиш, ёшлар бандлиги, ёш оилаларни турар жой билан таъминлаш, уларга уй-жой қуриш учун ер ажратиш, фермер ва деҳқонлар, тадбиркор ва бизнес вакилларини қўллаш, Маданият уйи қуриш ва хоказолар. Айниқса, маданиятга кенг эътибор қаратишимиз керак, зеро, қишлоқнинг сиёсий ва маънавий тараққиётида улар алоҳида ўрин эгаллаётгани барчага маълум.

Айтиш жоизки, қишлоқларимизда соғлом маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, замонавий усулда бинолар ҳамда болалар спорт майдончаларини қуриш,

маънавиятига раҳна солувчи, қадриятларимизга зид ғоялар мазмун-моҳиятини маҳалла аҳолисига, жумладан, ёшларга тушунтириш ҳамда уларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот тадбирлари олиб борилди. Бу ёшлар ташкилотлари ҳам давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланса, дейман.

Президентимиз Қ. Тўқабевнинг “Янги вазиятдаги Қозоғистон: ҳаракатлар даври” Мақтубини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Унда замонавийлашув жараёнини тезлаштиришга оид қатор вазифалар белгиланди ва топшириқлар ижросини назорат қилиш мақсадида назорат ўрнатиш юзасидан қатор масалалар кўрилди.



борларини таъмирлаш, йўللари асфальтлаш, баҳор келиши билан турли мевали ва манзарали дарахт, гул кўчатларини экиш, умуман, юрт ободлигига дахлдор кенг қўллаш бунёдкорлик ва ободончилик ишлари бажарилишига қишлоқ ҳокими бош-қош бўлиши керак.

Ҳоким билан учрашувларда фикрини аниқ ва равшан билдира оладиганларгагина сўз берилиши керак. Касаначилик, оилавий

Қишлоқларимизни мажмуавий ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтиришда ҳокимлар ҳисоботининг ўрни муҳим эканлигини яна бир бор таъкидлаш ва галдаги учрашувдан умидим катта.

Даврон ПИРНАЗАРОВ,
меҳнат фахрийси.
Тўлебий тумани.

БУЮК ОҚИНГА ЭҲТИРОМ

“Абайнинг табиати, Абайнинг овози, Абайнинг нафаси – замон нафаси, халқ овози. Бугун бу овоз бизнинг овозимизга ҳамоҳанг жаранглаб, янги руҳга эга бўлмоқда”.

Мухтар Ауезов.



Абай мероси бугун нафақат қозоқ халқининг, балки жаҳон маданиятининг ҳам ноёб дурдонаси сифатида тан олинмоқда.

Мана бу йил мустақил республикамизда буюк бобомизнинг 175 йиллик шодиёналари кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан Туркистон вилояти инсон салоҳиятини ривожлантириш бошқармасининг услубий маркази услубий маркази ташаббуси билан “ZOOM” платформаси орқали ўтказилган “Абай донолиги” онлайн-танловиди минтақамиздаги барча туманлардан қозоқ, рус, инглиз, ўзбек, тожик тили ўқитувчилари куч синашди.

Бу танлов уч йўналишда ўтказилди. Биринчи йўналишда Абай шеърининг энг кучли зўр шинавандалари беллашган бўлса, иккинчи йўналишда эса файласуф шоирнинг доно ўғитлари – “Насиҳатлар”дан парчани ифодали ўқиб маҳорати синалди ва учинчи йўналишда эса устозларимизнинг оқининг ўчмас мероси бўйича илмий изланишлар танлов бўлди.

Танлов онлайн шаклда ўтказилган бўлишига қарамай, унда истеъдодли шоирнинг сараланган шеърларидан ажойиб мушоира, насиҳат сўзларининг завқли талқини ва абайшунос устозларимизнинг мазмундор маърузаларининг ажойиб тақдими сифатида фоят шуқуҳли тарзда ўтказилди. Ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг танловгача электрон

турда юборилган ижодий ишлари, Абай ҳаёти ва ижоди бўйича саволларга берган жавобларини ҳар томонлама ўрганиб чиқдилар.

Барча иштирокчиларга, аввало, танлов ташкилотчилари, шахсан ўзим ҳамда ҳакамлар ҳайъатининг алоҳида эътирофлари ва чуқур миннатдорчиликларини билдириб қўймоқчиман.

Абай шеърининг мушоирасида М. Исмоилова бош соврин соҳиби бўлса (Кентов ш. Р. Айтжанов номидаги умумий ўрта мактаб), Ш. Жантенов фахри 1-ўрин (Сайрам туманидаги Гагарин номидаги умумий ўрта мактаб), Г. Аҳмедова фахри 2-ўрин (Кентов ш. Югнакий номидаги умумий ўрта мактаб) ва Н. Исмоилова фахри 3-ўрин (Кентов ш. Р. Айтжанов номидаги умумий ўрта мактаб) ҳамда Х. Рўзақуллова (Сайрам туманидаги 1-Май умумий ўрта мактаби), З. Елова (Жетисай туманидаги Яссавий номидаги умумий ўрта мактабнинг тожик тили ўқитувчиси), Х. Сайдазимовалар (Сайрам туманидаги Улуғбек номидаги умумий ўрта мактаб) номинацияларга мушарраф бўлдилар.

Шоирнинг “Насиҳатлар”и бўйича билимдонликда эса Р. Дўстона бош соврин соҳиби бўлиб (Келес туманидаги Т. Бегманова номидаги умумий ўрта мактаб), Н. Отахонова фахри 1-ўрин (Кентов ш. 3-сонли мактаб-гимназия), И. Усмонтоева фахри 2-ўрин (Сайрам туманидаги Музрапов номидаги

умумий ўрта мактаб) ва Г. Сайдазова фахри 3-ўрин (Сайрам туманидаги 4-сонли мактаб-гимназия)ларни эгалладилар ва Н. Қаландарова (Мақтарал туманидаги Ал Форобий номидаги умумий ўрта мактаб), Г. Назирхонова (Сайрам туманидаги 1-сонли мактаб-гимназия), Ш. Халқназаровалар эса (Сайрам туманидаги Улуғбек номли умумий ўрта мактаб) номинацияларни қўлга киритдилар.

Абай Қунанбаев мероси тадқиқотчилари беллашувида Д. Сайфуллаев бош соврин соҳиби (Кентов ш. Қошғарин номидаги мактаб-гимназия), Б. Ҳамдамов фахри 1-ўрин (Жетисай туманидаги Рудакий номидаги умумий ўрта мактабнинг тожик тили ўқитувчиси), С. Турдиқуллова фахри 2-ўрин (Сайрам туманидаги 94-сонли умумий ўрта мактаб) ва Н. Ўмарбоева (Туркистон ш. Е. Изатуллаев номидаги умумий ўрта мактаб) фахри 3-ўринларни қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Танлов ғолиблари нафақат диплом ва мактов ёрликлари балки қимматбаҳо эсдалик совғалари билан ҳам тақдирланди.

Шаҳноза АЛИАҚБАРОВА,
Туркистон вилоят инсон салоҳиятини ривожлантириш бошқармаси услубий маркази ўзбек ва тожик тили ва адабиёти услубийчиси.

ОЛМАДАН РЕКОРД КЎРСАТКИЧ

Тулкибош туманида олма боғлари йилдан йилга қўлч кенгаймоқда. Давлат дастурига мувофиқ, 2001-2019 йиллар оралиғида барпо этилган олмазорлар майдони 2578 гектарга етди. Бу йил туманда 78 гектар ерга олма кўчатлари ўтказилди.

2018 йилда рекорд ҳосил олинган эди – 25150 тонна. Лекин бултур об-ҳаво ноқулай бўлгани сабабли кўрсаткич 20 000 тоннани ташкил этди. Бу йил эса тулкибошлик боғбонлар аввалги рекорд кўрсаткични такрорлашга уриниб, қолаверса 33000 тонна мева йиғиб олишни кўзлашмоқда.

Ҳозирча омборларга 30 минг тонна олма етказилди. “Кентау” МЧБ туманда олма етиш-

тирадиган йирик хўжаликлардан бири. 231 гектар ерда олманинг 12 тури етиштирилади. Мавсум пайтида 100-120 одам иш билан таъминланади. Доимий ишчилари (40 нафар) учун компания махсус тренажёр зали ва ўқув маркази очиб қўйган. Олма сақланадиган замонавий омборда қиш пайтида 2000 тонна мева сақланади.

Шақпақ қишлоқ округида жойлашган “Кўктал” хўжалигидаги олма боғларининг сони 30тага етди ва у ерда 160 одам ишламоқда. Бугунги кунда ушбу хўжалик 600 тонна мева териб олиб, омборда сақламоқда.

Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.

● Турмушнинг мушлари

Айтмай десам тилим куяр, айтмай десам дилим куяр,
Эшитганлар нима дейар, шайтон парвона бўлдим?
Она бегона бўлдим?
Ёринг билан қўша қари, қадр топгин борган сари,
Фақат мени сурма нари, бари афсона бўлдим,
Она бегона бўлдим?

Мирзо КАРИМ.

Она бегона бўлдимми?

«Ёшим 65да. Турмуш ўртоғим ҳаётдан эрта кўз юмган. 4 фарзандни ёлғиз вояга етказдим. Энди кексайганимда катта ўғлим мени уйдан ҳайдади. Ҳозир бева қизимникида турибман. Менга ёрдам беринглар», деган мазмунда хат олдик.

...Дардини тинглаётганимни кўриб, дилида умид уйғонган онахон билан узоқ суҳбатлашдик. Турмуш ўртоғи Норхўжа ака билан ўтган бахтиёр онларни, тўнғич ўғли Сайдулла туғилганда қандай қувонганларини эслади. Тўрт гўдакни уйда қолдириб, далада эртаю кеч меҳнат қилган, қўллари қавариб, болалар насибасини бут қилган муштипар она ўғлининг зулмидан кутқаришни сўраяпти. Ҳаётнинг шундай синовларидан ўтган хонадонга нима бўлган ўзи?

Оилада майда жанжал билан бошланган зиддият ўн беш йилдан бери давом этиб келаётган экан.

Икки ўғил – Саъдулла билан Хайрулла бир-бири билан чиқиша олмайди. 2005 йили кичиги Хайрулла ижара квартирага чиқиб кетади. Зулфия ая катта ўғли Саъдулла билан қолади.

Саъдулла воқеани қуйдагича тушунтириб берди:

– Укам кўчиб кетгандан кейин онамнинг кам-кўстларига қарашиб турдим. Хайрулланинг хотини онамнинг олдига тез-тез келиб турар, у эса уйдаги нарсаларни унга бериб юборарди. Шундан сўнг онамга пул ушлатмай қўйганим рост.

Демак, онасининг пенсиясини ҳам доим олиб турган.

Онаси Хайрулла ташлаб кетган даҳлизли хонага ижарачилар кўя бошлади. Бу даврда вақти-вақти билан ўғил ва она орасида ижарачилар берадиган пул учун тортишувлар чиқиб турди. Биз 2007 йилдан бошлаб шу уйда турган Муҳаббат исмли келин билан учрашдик.

– Биз шу хонадонда яшаган пайтимизда Зулфия хола эртадан кечгача бозорда бир тамаддихонанинг овқатини ташийдиган қизиникига болаларига қараб туриш учун кунора кетиб қоларди. Саъдулла ака деярли ҳар кун ичиб келар, ичган кунлари онасига қаҳрини сочарди. Бир неча марта туртиб юборганини кўрганман. Жанжалларга кўпинча Саъдулла аканинг турмуш ўртоғи Хуринисо опа сабабчи бўларди. Газхона битта эди. Зулфия хола ўзининг алоҳида қозони бўлишини истар, бунга келин йўл қўймасди. Ўғли онасидан ижара пулини сўрарди. Ҳатто мендан ҳам кўп марта пул талаб қилган.

Зулфия ая ҳикоясини давом эттирди:

– Бундан етти йил муқаддам қизимникидан қайтиб келиб, Саъдулланинг ижарачилардан пул талаб қилаётганини устидан чиқдим. Жанжал бошланди. Ўғлим отган тувак оёғимга тегди. Йиқилиб, бошим деворга урилди. Эртасига дўхтирга бордим. Кейинроқ эса маҳалла оқсоқоллари келиб, яраштириб кетишди. Ўшандан бери тиззам азоб беради.

Бу ҳақда Саъдулла шундай дейди:
– Синглимникида йиқилиб, оёғини шикастлантирган, менга тўнкаб қўя қолибди-да!

Саъдулла тўнғич ўғлини уйлантиргандан сўнг она-бола ўртасидаги чоқ янада чуқурлашди. Беш йил давомида бир ҳовлида бегоналардек яшадилар. Ўғлининг онани кўришга кўзи йўқ, онанинг ўғлига меҳри сўнгандек эди.



Иккинчи келин Мавлуда билан учрашганимизда, уларнинг оиласи шу уйнинг ярмига даъвогарлигини айтди. Зулфия ая ҳам шу фикрда эканлигини айтиб, кичик ўғли Хайрулла томонида турибди. Қайнона билан кичик келин ўртасидаги илиқ муносабатлар яна бир можарога сабаб бўлди.

Бу ҳақда Мавлуда шундай ҳикоя қилади:

– Икки йил аввал қайнонамни кўргани бордим. Гаплашиб ўтирдик. Саъдулла ака «яна нега келдинг?», деб мени ҳақоратлади. Қайнонам орага тушди. Саъдулла ака баттар тутоқиб, менга коса улоқтирди. Чап қўлим лат еди, полицияга арз қилдим. Эртасига участкавий ҳузурида турмуш ўртоғим қариндошчилик бузилмасин, деб, мендан арзимни қайтиб олишни талаб қилди. Унинг айтганини қилиб, даъвомдан кечдим.

Зулфия ая ҳикоя қилади:
– Участковой ҳузуридан қайтгандан кейин Саъдулла: «Менинг сендай онам йўқ, уйдан чиқиб кет!», деди ва кейинги кунларда уйнинг ойналарини синдириб ташлади. Ҳокимликка арз қилдим.

Саъдулла шундай тушунтирди:
– Онамга ҳеч нарса деганим йўқ. Ўзи эшикни ёпиб кетиб қолди. Деразани янгилamoқчи эдим, синиб тушди. Ҳокимликдан комиссия келди, кейин ҳаммасини тузатдим. Яна нима керак?

Ҳар ким ўзича ҳақ. Бизнингча, гап можаро катнашчиларининг қайси бири айбдор эканлигини аниқлашда эмас, балки одам боласи қандай қилиб шу ҳолатга тушиши мумкинлигини аниқлашда.

Тасаввур қилинг, бир вақтлар атакчечак юра бошлаган ўғилчасига меҳрибонлик билан тикилган, қийқириб кулишдан завқланган келинчақ йиллар ўтиб, кексайганда ўша қувноқ болакайнинг бугунги чеҳрасига қарагиси келмайди.

Тасаввур қилинг, бир вақтлар қалб кўрини бериб эркалаган ўша болакайдан энди она ваҳимага тушиб ўтирса. Мана бир йилдири, она ўз уйининг оstonасини ҳатламайди, бева қизининг уйда яшайди.

Олтмиш беш ёшли онанинг қирқ тўрт ёшли тўнғичи Саъдулланинг оила аъзолари бор айбни кекса онахонга ағдармоқда.

Саъдулланинг ўқитувчи бўлиб ишлайдиган ўғли Асад бу можаролардан хижолат тортаётгандек туюлади. У ҳовлининг Зулфия аяга тегишли қисмини ажратиб беришларига қарши эмас, фақат таъмирлашга кетадиган харажатлар масаласи қийин бўлиб турганини айтди.

Болаларнинг ўз отасига ён босишини тушуниш мумкин. Аммо бошқа

бир унутилган ҳақиқатни эслатиб қўймоқчимиз. Бундан 44 йил муқаддам Асад, Муроджон, Азизларнинг отаси Саъдулла дунёда йўқ эди. Кунлардан бир куни мана шу ёмон кампир уни дунёга келтирди. Оқ сут билан боқди. Неча-неча тунларни бешик ёнида ўтказди. Қанча-қанча қийин кунларда опичлаб ўтди.

Маҳалла бийлар кенгаши фаолияти ҳам бизни қониқтирмайди. Нуруний отахонлар кенгаши маҳаллада меҳрвафо, одамгарчилик, инсоф уруғини тинмай сочиб, кейинги авлодларни иймон ва ахлоқ емирилиши хавфидан, ака-ука, опа-сингиллар, эр-хотин, она-бола, дўсту-ёр ўртасида оқибат барбод бўлиши хавфидан халос этиш учун ҳамма ишни қилиши керак.

– Нималар деяспиз, бизга бу ҳақда ариза тушган эмас, – дейишди улар.

65 ёшли кампирга қалам-қоғоз олиб, ариза битишдан кўра, инқиллаб-синқиллаб бирон идорага келиши осон эканлиги тушунарли.

Кампир шикоят қилаверган, бийлар кенгашидан вакил бораверган, ўғил тавба қилаверган, масала шу тақлид ҳал қилинаверган, эртасига эса яна кўнгилхиралик қайта бошланаверган.

Бир оила даврасидаги муносабатларнинг бу ҳолатга келиши бизни хушёрликка даъват этади.

Афсуски, шундай оилалар бор. Ўғил она билан, ака ука билан, опа сингил билан ёвга айланаверса, элнинг холи нима кечади? Бундай эл ҳаттоки, энг кичик хатар олдида ҳам ожиз. Биз юртимизда шу хонадонга ўхшаб яшаётган барча «туғишган ёвлар»ни инсофга қақирамиз. Бир-бирини суягувчилар эл бўлади. Ака-ука, опа-сингил, ота-онани севгучи зот бошқаларни ҳам, Ватанини ҳам севишга қодир.

*Жигарлардан тонма болам,
аросатда қолма болам,
Жаҳаннамда ёнма болам,
кўнглим вайрона бўлдим?
Она бегона бўлдим?
Ёр деб қолдинг, ёр деб қолдинг,
ишонганим бор деб қолдинг,
Кўнглим унга зор деб қолдинг,
болам қиёмат келдим?
Она бегона бўлдим?*

Сарвар МИРЗО.

P.S. Этика нуқтаи назаридан воқеа иштирокчиларининг исм-шарифлари ўзгартирилди.

● 02 хабарлари

КУЁВ – ЁВ

Руслан П. қайнотасининг номига ўзига билдирмай интернет орқали турли кредит ташкилотларидан 6та кредит олган.

Товламачи-ўғрини аниқлаш учун 47 ёшли фуқаро Марат Б. ИИБга мурожаат қилган. Маратнинг шахсий гувоҳномасини, кейин кредит картчасини ўғирлаб, банклардан насия олган ўзининг 24 ёшли куёв боласи экани аниқланди. Бу факт бўйича товламачилик ва ўғирлик моддалари доирасида 7та жиноий иш очилиб, судгача тергов амаллари бошланди.

ҚР Бош прокуратураси бундай товламачилик фактлари сўнги пайларда кўплай учраётганини, айниқса онлайн-кредит олишда фирибгарларнинг фаоллиги ортиб бораётганидан ташвиш билдирди ва фуқаролардан нотаниш шахсларга шахсини тасдиқловчи ҳужжатларнинг, ҳатто суратини ҳам юбормасликларини сўранмоқда.

ҚАРИБ ҚУЮЛМАГАН... ЎҒРИ

Polisia.kz маълумотида кўра сўнги пайларда қимматбаҳо телефонлар ўғирлиги ортмоқда. Пойтахтда 70 ёшли фуқаро тамаддихонага кириб, ёнидаги столда тушлик қилаётган бир оила аъзоларини кузатади. Умумий баҳоси 150 минг тенгеге тенг «Samsung» русумли иккита телефоннинг қаровсиз қолганидан фойдаланиб, жиноий ишга қўл уради.

Полиция телефонларда ўрнатилган jrs дастури ёрдамида жиноятчини топди. Телефонлар эгаларига қайтарилди, жиноятчининг илгари ўғирлик учун бир неча марта қамалиб чиққани аниқланди.

ТЕЛЕФОН ЎҒИРЛИГИ ТЎХТАЙДИМИ?

Телефон ўғирлигини қамайтириш мақсадида ИИВнинг Жиноятни текшириш департаменти уяли алоқа операторлари билан Меморандум имзолаган эди. Унинг моҳияти қуйдагича: ўғирланган телефонларнинг IMEI (хусусий код рақами) барча уяли алоқа операторларига юборилади. Улар бу телефонни «қора рўйхат»га киритиб, фойдаланиш имконини бермайди. Меморандум қонуний кучга кирди. Демак, ўғирланган телефон яроқсиз темирга айланади.

– Энди Қозоғистонда ўғирланган телефонни ҳеч ким фойдалана олмайди. IMEI коди бўйича ўғирланган ускуна аниқланиб, дарҳол ўчирилади. Телефонини ўғирлаган одам ички ишлар бўлимига ариза беради ва телефон ҳақиқатдан ҳам уни эканлигини тасдиқлайдиган далил ва ҳужжатлар топширади, – дейилади Ахборот ва коммуникациялар вазирлигининг хабарномасида.

IMEI-код – мобил алоқа воситасининг халқаро идентификация коди бўлиб, уни ишлаб чиқарган заводда берилади ва бир марта фойдаланишга мўлжалланган чипга ёзилади, уни қайта ёзиш ёки ўзгартриш мумкин эмас. Демак, ўғри бировнинг телефонига кўз олайтириш раъйдан қайтади.

Баҳорой ДЎСМАТОВА.

Қозоғистон ўзбек этномаданият бирлашмалари «Дўстлик» ҳамжамияти қошидаги «Ижодкор» адабий бирлашмаси фахрий устоз **Раҳматулла ҚУРБОНАЛИЕВ**-нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари ва яқинларига таъзия изҳор этиб, ҳамдардлик билдиради.

Қозоғистон ўзбек этномаданият бирлашмалари «Дўстлик» ҳамжамияти қошидаги «Ижодкор» адабий бирлашмаси фахрий устоз, таниқли ижодкор Эркинкой Султоновага акиси **Акмалхон ОТАХЎЖАЕВ**-нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этиб, ҳамдардлик билдиради.

Аллоҳ марҳумларни ўз раҳматига олган бўлсин!



Маҳалла... Шу биргина сўз замирида бутун олам эзгуликлари, урф-одат ва анъаналари қайноқ тафти мужассам.

Бугунги кун одамларнинг тафаккури ўзгача шаклланган. Эл учун хизмат қиладиган ҳотамтойлар ўқимишли, зиёли бўлиши керак ёки кўпчиликка холис хизматни фақат ҳокимлар, депутатлар амалга ошириши керак, деган тушунчага ўрганганмиз.

Зеро, орамизда чапани, оддий, қўлдан келган хизматини эл учун армуғон этадиган камтар одамлар ҳам кам эмас. Бугун бизга ўрнатилган ва ибрат бўлувчи инсон ҳақида гапириб бермоқчиман.

МАҲАЛЛА – ОҚИБАТДАН БОШЛАНАДИ

Сайрам туманининг Қорабулоқ қишлоғида истиқомат қилувчи Шавкат Аҳмадқулов кўп йиллардан буён тадбиркорлик билан шуғулланиб, бугунги кунда шахсий бизнесини йўлга қўйиб, йилки ҳамда йирик қорамол бўрдоқлаш билан шуғулланиб келади. У ҳар йили нафақат Сайрам тумани, балки Қозоғистоннинг кўплаб катта шаҳарларига 400 тоннадан зиёд сифатли гўшт етказиб бермоқда. Шу билан бирга, кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш, маҳаллаларни ободонлаштириш, кўчаларнинг экологик аҳволи, тозаллиги ҳамда қишлоқ инфратузилмасига оид масалаларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатмоқда. Шавкат ака нафақат маҳалла, ҳамқишлоқлар, балки, қишлоқ ҳокимининг ишончли вакили, маҳалла кўмитаси раиси сифатида холис хизмат қилмоқда.

Шавкат ака жонбозлиги билан 2017-2019 йиллар мобайнида Қорабулоқ қишлоғи Фафур Фулом кўчасидаги эски «Холниёз ота» жоме масжидининг қайта қурилишида камарбасталик қилиб, эзгу ишларга ҳомийларни жалб қилиш ва бионинг бетакрор меъморий услубда ишланишида улкан моддий ёрдам кўрсатди. Бутун дунёни таҳдидга солган пандемия, юртимизда жорий қилинган карантин шароитида ҳам қўл қовуштириб ўтирмай, ҚР Президентини Қасим-Жўмарт Тўқаев Мактабида белгиланган вазифаларга ҳисса қўшиш мақсадида Қорабулоқ қишлоғидаги Фафур Фулом ва «Қайтмас»



кўчалари умумий узунлиги 2,5 минг метр йўлни кенгайтириш, пиёдалар ва автомашиналарнинг юришига ҳалқит бераётган дарактларни буташ, пардозлаш, ариқларни чиқиндилардан тозалаш, кўчаларга тош тўшаш ва бошқа ишларнинг бошида туриб, унга маҳалла аҳлини ҳам сафарбар қилиб, кўчалар чиройини очиб, намунали маҳаллалар қаторига қўшишда унинг меҳнати таҳсинга лойиқ бўлди.

Шавкат аканинг ўзи билан суҳбатлашганда: «Ватанга садоқат оиладан, маҳалладан бошланади, билагимиз кучга тўлиб турганда, атрофимиздаги мавжуд муаммоларга бефарқ қараб тура олмадик», дейди камтарлик билан. «Битар ишнинг бошига – яхши келар қошига» деганларидек, маҳалла аҳлининг иноқлигини инобатга олиб, Қорабулоқ қишлоғи ҳокими Фуломжон Шодиев ҳамда

ўринбосари Бахтиёр Шомуродовлар кўчаларни туман ҳамда қишлоқ бюджетни ҳисобидан асфальтлаш, пиёдалар йўлакларни қуриш, тунги чироқлар ўрнатишда ёрдамлашишга ваъда берди.

Мамлакатимизда сентябрь ойининг сўнги ҳафтасида нишонландиган «Меҳнат куни» муносабати билан Шавкат Аҳмадқулов сингари элпарвар, меҳнатсевар инсонлар юртимизнинг ҳар жабҳасида кўпайишини тилаймиз. «Меҳнатдан келса роҳат – турмуш бўлар фароғат», деганларидек, Шавкат акадек инсонлардан ёшлар ўрнат олишса, нур устига нур.

Улуғбек БОЯЛИЕВ.
Сайрам тумани.

Ойижоним, порлаб турган қуёшимсиз

Кечагина мени ёлғизим, Зуфаруллом, дея қўллариди кўтариб юрган ойижоним Муҳаббат Қудратулло қизи мана 65 ёшга ҳам тўлди.

Вақти келганда тоғлар ҳам чўқади, лекин, онам чўқмади, эгилмади, синмади. Оҳ, онагинама, ҳаёт йўллариди, турмуш тақдир синовларига бардош бера олди.

Мен онамдек ёзувчи, шоира эмасман, лекин, онам ҳақида, онам босиб ўтган йўллари вақти келиб китоб қилиб ёзишни мақсад қилганман. Бу лавҳам денгиздан томчи, холос. Ойижоним ҳаётда ҳақиқатни ёзадиган ҳозиржавоб аёл, тўғри сўзни шартта юзига айтадиган, қайсар, гоҳида кимларгадир ёқмайдиган аёл. Ҳаёт тўлқинларида чархланиб, бир неча китоблари чоп этилган. Ўзбекистон ва Қозоғистон нашрларида танилган, халқига, Ватанига кўрсатган хизматлари муносиб тақдирланиб, бир неча мақтов қоғози ва кўксини безаб турган медаль, кўкрак нишонлари, заҳматли меҳнатининг гувоҳи, Жаҳон халқлари ёзувчилари уюшмаси аъзоси, «Жанубий Қозоғистон» вилоят газетасининг жамоатчи муҳбири. Ана шундай аёлнинг фарзанди бўлганимдан фахрланаман.

Ҳар кун онамнинг оппоқ сочларига, кўзларига боқар эканман, чақмоқдек чақнаб турган кўзларида ўтли шижоатни кўраман. Ойижоним бор умрини халқига хизмат қилиб келаётган Ўзбекистон ва Қозоғистонда хизмат қилган шифокор шоира аёл, биргина ўғлига бор умрини сарф эта олган аёл. Кўп тилларни билишим, илмга ташналигим, аввало, Аллоҳ, қолаверса, онамнинг машаққатлари туфайли.

Она халқ табобати соҳасида Ўзбекистон ва Қозоғистонда кўп йиллар ишлади.

Аллоҳимдан биргина нарса сўраб қоламан, ойижонимни умрини зиёда қилсин.

Хурмат ва эҳтиром ила ўғлингиз:
Зуфарулло БОБОЕВ.



РОССИЯДА ЭРИШИЛГАН МУҲИМ ҒАЛАБА




Қозоғистонлик чарм қўлқоп устаси, ҳамюртимиз Бобиржон Мўминов (12-0, 8КО) россиялик боксчи Вагинак Тамразянга (17-8,5 КО) қарши Қозон шаҳрида ўтган IBF йўналишидаги ўрта вазннинг Inter-Continental чемпионлик баҳсида ғалаба қозонди.

Татаристон пойтахти Қозон шаҳрида уюштирилган бокс кечасида 10та жанг уюштирилиб, унинг асосий беллашувида айнан шу икки боксчи рингга кўтарилди.

Касбий боксда яхши натижаларга эришиб, халқаро спорт устаси бўлган Бобиржон шундан кейингина касбий боксга ўтган. Бугунги кунда Америка Қўшма Штатларида истиқомат қиладиган Бобиржон аксарият жанглари океан ортида ўтказди. 27 сентябрь куни ўтказилган жанг Россиядаги дастлабки беллашувидир.

Касбий боксда мағлубият нималигини билмай келаётган Бобиржон Мўминов Тамразянга қарши кечган беллашувнинг биринчи раундида нокдаунга учради. Лекин иродаси кучли Б. Мўминов матонат кўрсатиб, 10 раунд давом этган жангда ҳакамларнинг қарорига кўра, ғалаба қозонди.

Ғалабани нишонлаган Бобиржон Мўминов шундай деди:
– Мени кўллаб-қувватлаганлар ва



ишонч билдирганларга миннатдорчилик билдираман. Рақибим жуда кучли, тажрибали боксчи. Бизни жаҳон чемпионлик камари йўлида катта жанглар кутмоқда. Унга сизларнинг қўллаб-қувватлашинлар натижасида эришамиз. Ҳар қандай

вазиятда ҳам менга мадад бўлиб келаётган жамоамга раҳмат. Мен бундан миннатдорман ва уларни қадрлайман. Биз биргаликда катта муваффақиятларга эришамиз!

Хуршид ҚЎҚОРОВ.

Бош муҳаррир — Алишер Ғофуржон ўғли СОТВОЛДИЕВ.

Бош муҳаррир
ўринбосарлари:

Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БЎРОНБОЕВ.

Масъул котиба –
Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Кентов — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.
Тўлебий — Баҳорой ДЎСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазигурт — Хуршид ҚЎҚОРОВ. +7-701-447-37-42.
Сайрам — Мухтабар УСМОНОВА. +7-707-257-97-36.
Тулкибош — Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.
Обуна, реклама ва эълонлар — Зокиржон МҲМИНОЖОНОВ. +7-702-278-96-90

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.

Мулк эгаси – «Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақола-ларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Диваев кўчаси, 4-уй,
4-қават. Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79.
Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан
2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди,
KZ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.

Нашр кўрсаткичи – 65466.
Адади – 10270 нусха.

ERNUR-print МЧБ босмаҳонасида чоп этилди,
Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Буюртма:
2541.

Навбатчи муҳаррир: Наргиза МАВЛОНОВА.